# ВИПЛАКТИН + АМИНО

## ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
## ОЗУҚАГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА

**1 флакондаги таркиби:**
*фаол моддалар:*
*дозатор-қопқочасида:*
Bifidobacterium animalios ssp. lactis &
Bifidobacterium breve ............................. $2*10^9$ КОЕ
Lactobacillus rhamnosus ......................... $1*10^9$ КОЕ
L-аланин ........................................................ 50 мг
L-глутамин ..................................................... 50 мг
$B_2$ витамини ................................................. 0,7 мг
$B_6$ витамини .................................................. 0,7 мг
D витамини ................................................. 2,5 мкг
$B_{12}$ витамини ............................................... 1,25 мкг
*10 мл флаконда:*
Фруктоолигосахаридлар ................................. 1,0 г
L-аргинин ....................................................... 50 мг
Наъматак ....................................................... 48 мг
*Жумладан С витамини* ................................. 24 мг
Цинк .............................................................. 1,5 мг
*ёрдамчи моддалар:*
*дозатор-қопқочасида:* микрокристалл целлюлоза, магний стеарати, кремний диоксиди.
*10 мл флаконда:* фруктоза, сув.

**Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари**
*Bifidobacterium animalis* юқори колонизация салоҳиятига эга, бифидобактериялар сонини ошириш учун қулай шароитларни таъминлайди.
*Bifidobacterium breve* уксус ва сут кислотасини ҳосил қилиб углеводларни фаол ферментлайди, витаминлар ва полисахаридларни синтезлайди, иммунитетни рағбатлантиради, патоген ва шартли-патоген микрофлорани ривожланишини бостиради, овқат ҳазм қилиш функциясини яхшилашга ёрдам беради.
*Lactobacillus rhamnosus* фойдали ичак микрофлорасини табиий мувозанатини тиклашга қодир.
*Фруктоолигосахаридлар* пребиотик сифатида ичакда фойдали лакто- ва бифидобактерияларни кўпайишига ёрдам беради. Пребиотиклар билан мажмуада пробиотиклар ичак микрофлораси мувозанатини қўллаб туради.
*Наъматак* меъда ва меъда-ичакнинг меъёрий фаолияти учун фойдали, қўллаб турувчи ва умумий мустаҳкамловчи таъсирга эга, алмашинув жараёнларини фаоллаштиради.
*Цинк* ва *D*, $B_2$, $B_6$, $B_{12}$ витаминлар билан мажмуада иммун тизими фаолиятини фаоллаштиради, организмга қувват берувчи таъсир кўрсатади.

**Қўллаш соҳаси**
Ичакнинг соғлом микрофлорасини самарали қўллаб туриш, меъёрда ҳазм қилиш жараёнини таъминлаш ва дисбактериоз ривожланишини олдини олиш учун овқатга БФҚ сифатида қўлланилади.

**Қўллаш усули**
Катталар ва 3 ёшдан болаларга кунига 10 мл дан қабул қилиш тавсия этилади.
*Флаконни қўллаш бўйича тавсиялар*













1. Калитни маҳсулотнинг қопқоғига ўрнатинг.
2. Таркиби бутилкага тушиши учун қопқоқни соат стрелкаси бўйлаб тўхтагунча буранг.
3. Бутилкани чайқатинг.
4. Қопқоқни очинг ва таркибни ичинг.

**10 мл даги озуқавий қиймати (г):**
Оқсиллар 0 г
Ёғлар 0 г
Углеводлар 7 г
Энергетик қиймати 3210 кДж / 50 ккал

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
- БФҚ нинг ҳар қандай компонентларидан бирига юқори сезувчанлик.
- 3 ёшгача бўлган болалар ёши

**Махсус кўрсатмалар**
Тавсия этилган суткалик дозани ошириш ва БФҚ ни турли мувозанатланган озиқланиш ўрнига қўллаш мумкин эмас.
Қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.
Қўллашдан олдин яхшилаб чайқатилсин.

**Чиқарилиш шакли ва қадоқ**
10 мл дан 10 та флакон давлат ва рус тилларидаги йўриқномаси билан картон қутида.

**Сақлаш шароити**
25°С дан юқори бўлмаган қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

**Яроқлилик муддати**
24 ой.
Қадоқда кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

**Бериш тартиби** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**
O.F.I. Officina Farmaceutica Italiana S.p.A.,
Бергамо, Италия

**Сертификат эгаси:**
«Belinda Laboratories» LLP.,
Лондон, Буюк Британия

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчилардан шикоятларни қабул қилувчи ваколатланган ташкилот:**
«Ameliya Pharm Service» МЧЖ
Ойбек кўч., 36, «East Line» БМ,
100015, Тошкент ш., Ўзбекистон.
тел: +99878 1505081 +99878 1505082,
e-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk:

Belinda